

## Биз учинчисини умид қиламиз



07:19 / 23.09.2019 2167

Масъудий Авн ибн Абдуллоҳ фақиҳлардан бирига шундай деганини ривоят қилади: **«Кимки Аллоҳга тақво қилса, У Зот унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини пайдо қилур ва ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур»**. Фақиҳ деди: «Аллоҳга қасамки, биз тақвони ўз жойига қўя олмасак ҳам, У Зот бизга (ташвишлардан) чиқиш йўлини пайдо қилаверади, У Зотга ҳақиқий тақво қила олмасак-да, ризқлантираверади. Ҳақиқий тақво қила олмасак-да, (Аллоҳ) ишимизни осон қилади. Биз эса учинчи йўлни (яъни Аллоҳ таоло тақво қилган бандасининг гуноҳларини кечириш ҳақидаги ваъдасини) умид қиламиз: **«Кимки Аллоҳга тақво қилса, унинг ёмонлик(гуноҳ)ларини ўчирур ва унинг мукофотини буюк қилур»**.

*«Солиҳлар гулшани» китобидан*

